



Methods of semantic classification of comparative phraseological units

U.Y.Dushayeva

Uzbekistan state world languages university PhD student

ABSTRACT

Ушбу мақолада гап компаратив фразеологик бирликлар (КФБ) ҳақида кетмоқда. Улар тилининг интензив категориясини ифодалашнинг воситаларидан бири ҳисобланади. Сўзларнинг лексик-синтактик алоқаларини изчиллик билан тасвирлаш ва ушбу бирлик луғатларини тузиш зарурияти шу билан изоҳланадики, фикрни тўғри шакллантириш албатта сўзларнинг бирга қўшила олиш қонунларига амал қилишни, сўзларнинг бирга қўшила олиш қоидаларини билиш чет тилини ўрганишда айниқса муҳимлигини назарда тутати.

ARTICLE INFO

Received: 11th June 2023

Revised: 10th July 2023

Accepted: 14th August 2023

KEY WORDS:

номинатив отлар, субъект позицияси, семантик ассоциациялар, денотатлар.

Аннотация: В данной статье речь идет об устойчивых сравнениях, которые являются одним из средств выражения языковой категории интенсивности. Необходимость последовательного описания лексико-синтаксических отношений слов и составления этих словарей единиц объясняется тем, что правильное формирование мысли обязательно предполагает следование законам сочетания слов, знание правил сочетания слов особенно важно при обучении иностранному языку.

Ключевые слова: именительные существительные, подлежащее позиции, семантические ассоциации, денотаты.

Субъектнинг номинатив отларга очик биринчи ва иккинчи типдаги компаратив бирликлар мисоллари уларнинг кенг бирга қўшиб ишлатиш мумкинлигини мисоллар билан яққол кўрсатиб беради. Ҳақиқатан, жуда кўп моддий предметлар /нарса, буюм, модда, ўсимлик ва ҳ.к./, шунингдек, юз, қўллар ва инсон танасининг бошқа аъзолари ок, қизил ёки сариқ бўлиши мумкин. Қайд қилиш керакки, семантик жуфтликлар қаторининг очиклиги, илгари мавжуд бўлган табиий тил танлови фактларига зид келмайди, айрим бирликларнинг маълум даражада қўлланилиш соҳаси ва бирга қўшила олиш имкониятларини чеклайди. Шундай бўлса ҳам, ҳатто бу анъанавий чекловлар тадқиқотчини лексика билан ишлашнинг объектив қийинчиликларидан қутқара олмайди, бу қийинчиликлар лексиканинг чекланмаган ҳажми сабабли юзага келади. Аниқ тил материални кузатиш компаратив бирликларнинг бирга қўлланилиши имкониятлари ранг-баранглиги ва тадқиқ қилинаётган тил бирликлари юқори лексик бирга қўшила олишлари билан характерланади. Масалан, **brillante como el espejo** компаратив бирлигини ўз ичига олган субъект позициясидаги гапларда хилма-хил отларнинг /асосан булар буюмлар/: **asfalto, casco de acero, zapatos, peñecillos, suelo** ва ҳ.к. каби пайдо бўлиши мумкин, **liso como la palma de la mano** компаратив бирлиги эса **aceite, hoja, pared, varas, plato, espejo** ва ҳ.к. каби турли-туман предметларни характерлаши мумкин.¹ Иккинчи

¹ Бироқ, қайд қиламизки, ушбу барча отлар учун жонсизлик ва аниқлик умумий семалари характерлидир.

компонентлари *casa va ruño* отлари бўлган компаратив бирликлар ҳақида ҳам шундай мулоҳаза келиб чиқади.

**cancer, anemia, mentira, corazon — como una casa
estrellas, lagrimas, verdades - como un ruño**

Қиёслаш гапларининг субъект позициясида қатъий чекланган отлар ёки бирикишга йўл қўядиган компаративларнинг мисоллари жуда ҳам кам сонлидир. Ушбу бирликлар, кўринадики, ҳар бир тил учун ўзига хос ҳисобланади. Испан тилида бунга монанд типдаги ўхшатиш **verdades como templos²** ҳисобланади.

- Eso podemos decirlo en todas partes con la cabeza muy alta pues es una verdad como un templo (Izcaray. Muchacho, 164).

Шундай қилиб, компаратив фразеологик бирликлар учун индивидуал бирга қўшила олиш типик ҳисобланмайди. Тадқиқ қилинаётган бирликлар учун қиёслаш гапларининг субъект позициясида маълум даражадаги кўплаб номинатив отларга нисбатан лексик бирга қўшила олишини ҳисоблаш мумкин. Аниқловчи қиёслаш гапининг ва компаративнинг лексик бирга қўшила олишининг қатъий қонунларини яратиш мумкин эмаслиги ушбу бирга қўллана олиш маданий-тил “дунёни ҳис этиш” билан, социологик характердаги маълум қонуниятларга бўйсунадиган ва семантик ассоциацияларнинг инжиқликлари билан ажралиб турадиган тилнинг образли тизими билан бир вақтда содир бўлишидир. Шубҳасиз, бу ерда семантик вариантлар кўп, аммо тилга оид анъаналар ва одат фақат айримларинигина стандарт сифатида расмийлаштиради холос. Н. Д. Арутюнованинг қайд қилишича, “сўзлар боғланишини лексик регламентга солиш ҳар доим ҳам кенг илова қилиниш доирасидаги қоидалар кўринишида умумлаштирилишмайди”³. Кўринадики, аниқлайдиган қиёслаш гапининг ва компаративнинг бирга қўшиб ишлатилишнинг норматив жиҳатини тасвирлаш лексикологик нуқтаи назардан олиб борилиши керак.

Компаратив бирликларнинг лексик бирга қўшиб ишлатиш мумкинлиги иккита мантиқан бир-бирига тўғри келмайдиган денотатларнинг, иккита қарама-қарши гуруҳларнинг мавжудлигини назарда тутган образлиликнинг мавжудлигига боғлиқ, булар: инсон – табиий предмет, инсон – сунъий буюм, инсон – ўсимлик, инсон – ҳайвон, инсон – мавҳум тушунча, инсон – табиат ҳодисаси, табиий предмет – мавҳум тушунча, табиий предмет – ҳайвон, сунъий буюм – табиий предмет, мавҳум тушунча – ўсимлик, мавҳум тушунча – сунъий буюм, табиат ҳодисаси – сунъий буюм, табиий предмет - инсон, сунъий предмет – инсон, табиий предмет – сунъий буюм. Инсон – инсон тизими бўйича ассоциациялар миллий гуруҳларнинг, синфларнинг, тарихий, ўйлаб топилган ва ирреал номларнинг бир-бирига қарши қўйиш билан боғлиқдир. Фактик материал таҳлили испан тилининг компаратив фразеологизмларда ишлатиладиган биринчи ва иккинчи денотатларни ифодалайдиган отларнинг асосий типларини ажратишга имкон беради. Уларнинг ўзаро боғланишини кўргазмалар тарзда қуйидагича тақдим қилиш мумкин:

	Ҳай вон	Ўс им ли к	Таби ий пред мет	Су н- ъи й бу юм	Мавҳ ум тушу нча	Таби а т ходис аси	Аток ли от	Ирре ал исм	Инс он	Мил лий гуруҳ	Си нф
Инсон	+	+	+	+	+	+	+	+	-	+	+

² Черемисина М. И. бундай субъектларни «ихтисослаштирилганлар» деб атайди. Черемисина. М. И. О границах ..., Изд. 2-е, - Москва : URSS, 2006. - 269, с. ISBN 5-484-00574-4

³ Арутюнова. Н. Д. Предложение и его смысл. / Логико – семантические проблемы / Изд. 6-е. - Москва : URSS, 2009. - 382, [1] с.; 22 см. - (Лингвистическое наследие XX века); ISBN 978-5-397-00624-8.

Хайвон	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
Табийй предмет	+	-	-	+	+	-	-	-	+	-	-
Сунъий буюм	-	-	+	-	-	+	-	-	+	-	-
Мавҳум тушунча	-	+	-	+	-	-	-	-	-	-	-
Табиат ходисаси	-	-	-	+	-	-	-	-	+	-	-

Компаратив бирликларнинг кенг лексик бирга қўллана олиши тадқиқотчига кўриб чиқиладиган компаратив бирликларда бўлиши мумкин бўлган барча лексемаларни тўлиқ ҳисоблаб чиқиш имконини бермайди. Шу сабабли тадқиқ қилинадиган тил бирликларининг лексик бирга қўллана олиш йўллари тасвирлаш эҳтиёжи туғилади. Масалан, компаратив бирликларнинг бирга қўшила олишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мумкин бўлган йўлларида бири бадий асарларнинг материали асосида қуйидаги типдаги “бирга қўшиб ишлатиш учун мумкинлик умумлаштирилган формулаларини”⁴ яратиш ҳисобланади:

N	red (Colorado, incarnation)	like a tomato
Ñ	Red	like blood
N	log in (log out)	like a waterspout
N	(return, disappear, be, pass, cross)	like lightning
N Ñ C Ć	(enter, pass, penetrate, fly, turn around)	like a whirlwind, etc.
N Ñ Ć		

Хулоса: Матнларнинг статистик таҳлили шундай камчиликка эгаки, компаратив бирликлар частоталигининг пастлиги сабабли тадқиқотчига етарли миқдордаги мисол-иктибосларни тўплаш имконини бермаган ҳолда, унга тадқиқ қилинадиган тил бирликларининг бирга қўшила олиш рўйхатини тақдим қилишга имкон беради. Натижада бирга қўллана олишнинг айрим жиҳатлари етарлича ёритилмайди. Ушбу вазият тадқиқотнинг экспериментал методларини ишлатишнинг зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди

⁴Апресян. Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля. «Лексикографический сборник». В.У. М., 2003, с. 55.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Черемисина М. И. О границах ..., Изд. 2-е, - Москва : URSS, 2006. - 269, с. ISBN 5-484-00574-4
2. Арутюнова. Н. Д. Предложение и его смысл. / Логико – семантические проблемы /. Изд. 6-е. - Москва : URSS, 2009. - 382, [1] с.; 22 см. - (Лингвистическое наследие XX века).; ISBN 978-5-397-00624-8.
3. Апресян. Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля. «Лексикографический сборник». В.У. М., 2003, с. 55.
4. Esbozo de una Nueva Gramatica de la lengua española (Real Academia Española). Madrid, 2000.
5. Gill S. y Gaya. Curso superior de sintaxis española. Barcelona, 2019
6. Fein D.Semantica y estilistica.
https://books.google.ru/books/about/Sem%C3%A1ntica_y_estil%C3%ADstica.html?id=qr40AQAIAAJ&redir_esc=y .